

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЙЎЛДАШОВ МУРОДЖОН РАВШАНОВИЧ**

**ЁШ ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАРНИНГ КООРДИНАЦИОН  
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ - 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Йўлдашов Муроджон Равшанович**

Ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш  
услубиятини такомиллаштириш.....3

**Йўлдашов Муроджон Равшанович**

Совершенствование методики развития координационных способностей  
юных футболисток.....27

**Yuldashov Murodjon Ravshanovich**

Improvement of the methodology of developing the coordination skills of young  
female players.....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....58

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЙЎЛДАШОВ МУРОДЖОН РАВШАНОВИЧ**

**ЁШ ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАРНИНГ КООРДИНАЦИОН  
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ - 2021**

5  
6  
7

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped.832 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ҳамда "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абидов Шавкат Усмонович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Кошбахтиев Ильдар Ахмедович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Акрамов Жасур Анварович**  
педагогика фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузурдаги DSc.03/30.12.2019 Ped.28.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "\_\_\_\_" "\_\_\_\_" соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370) 717-17-79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "В" биноси, 2-кават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76

Диссертация автореферати 2021 йил \_\_\_\_\_ кун тарқатилган.  
(2021 йил "\_\_\_\_" "\_\_\_\_" № \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган)



**М.Р.Болтабаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
семинар раиси, п.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби,  
п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

**Ф.А.Керимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)дисертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё миқёсида охирги йилларда аёллар футболининг оммавийлиги ўсиб бормоқда ва у бошқа спорт турлари орасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бўлди. Замонавий спорт аёл футболчиларнинг тайёргарлигига юқори талаблар қўяди, бу эса ўқув-машғулот жараёнини тузишга бўлган янги, янада мукамал услубий ёндашувларни излаб топиш ҳамда спортчи қизлар тайёргарлигининг турли томонларини такомиллаштиришга ёрдам берувчи янги илмий-педагогик технологияларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Замонавий спортда мунтазам ўзгариб турувчи ўйин вазиятларида ҳаракатларни аниқ мувофиқлаш ҳамда қайта куриш кўникмаси, реакция тезлиги, диққатни жамлаш ва кўчириш, ўйинни тез суръатда олиб бориш кўникмаси координацион қобилиятларнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Зеро, ушбу қобилиятни ривожлантириш футбол спорт турида юқори натижаларга эришиш учун асосий омиллардан ҳисобланади.

Жаҳонда ҳозирги кунда турли ёшдаги футболчи қизларнинг морфофункционал кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда уларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги даражасини ошириш, мусобақа фаолияти шароитларида техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Сўнгги йилларда ҳар хил спорт турларида спортчиларнинг умумий ва махсус координацион қобилиятларини такомиллаштириш масалалари юзасидан катта назарий ва тажриба материаллари тўпланган, бироқ аёл футболчилар, айниқса ёш футболчи қизларда координацион қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар саноклидир. Йиллик тайёргарлик циклининг турли босқичларида ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ташҳислаш ва ривожлантириш воситалари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар етарлича ўрганилмаган.

Республикамызда хотин-қизлар спортини, жумладан аёллар футболни ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. “ Ўзбекистонда истеъдодли ва салоҳиятли футболчиларни саралаш ҳамда профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини тайёрлаш” муҳим аҳамият касб этади<sup>1</sup>. Ушбу зарурият футболчи қизларни мусобақаларга тайёрлашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ватанимиз ва хорижий олимлар, мураббийлар, педагоглар томонидан машғулот жараёнини такомиллаштириш, футболчи қизларнинг мусобақа фаолияти натижадорлигини ошириш юзасидан бир қатор илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган, бироқ спортчи қизларнинг координацион қобилиятларини такомиллаштириш масаласи ҳозиргача муаммо бўлиб қолмоқда. Футболда махсус координацион қобилиятларни ривожлантириш

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги ПФ-5887-сонли „Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. “Халқ сўзи” газетаси, 6 декабрь, 252-сон.

жараёнида самарали фойдаланиш учун координацион қобилиятларни баҳолаш ва башоратлашда қўлланиладиган ишончли тестлар етарли эмас, координацион қобилиятларни машқ қилдириш воситалари ҳамда услубларидан фойдаланишнинг ёш футболчи қизлар мусобақа фаолияти самарадорлигига таъсири ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368 сонли «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2018-йил 16 мартдаги ПҚ-3610 сонли «Футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 4 декабрдаги ПФ-5887 сонли «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020йил 24 январдаги ПФ-5924сонли «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Биз томонимиздан ўрганилган илмий-услубий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, футболчи қизларнинг техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштириш ва физиологик хусусиятлари ўрганилган, бироқ координацион қобилиятларини ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммоси етарлича ишлаб чиқилмаган. Ватанимиз олимларидан И.А.Кошбахтиевлар, Ш.Т.Исеев, Р.И.Нуримов, футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, координацион қобилиятларни ривожлантиришда янги инновацион технологияларни жорий этиш масалалари юзасидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борганлар.<sup>2</sup> Бироқ ёш футболчи қизлар контингентида футболдаги мавжуд муаммолар тадқиқ қилинмаган. Футбол бўйича хорижий етакчи олимлардан Д.В.Соболев ва О.А.Буравел каби олимлар футболчи қизлар организмнинг физиологик хусусиятларини тадқиқ этганлар. В.Б.Пашинцев эса футболчи қизларда тезкор-куч сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммоси юзасидан изланишлар олиб борган.<sup>3</sup>

<sup>2</sup>Кошбахтиев И.А. Управление подготовкой футболистов, Учебное пособие. Т.2001.124 с. Исеев Ш.Т. Футболчиларни йиллик циклда тайёрлашни режалаштириш. «Ita-Press» 2014.Б.238-249., Нуримов.Р.И, Акрамов Р.А , Исеев Ш.Т , Давлетмуратов С.Р. “Футбол назарияси ва услубияти” Дарслик. 2018 йил. «Ita-Press» нашриёти, Б. 159.

<sup>3</sup>Соболев Д.В. Педагогические и физиологические аспекты отбора и тренировки футболистов. Автореф.дисс.канд.пед.наук. – С.Петербург., 1998. С.19. Пашинцев В.Г. Исследование эффективности скоростно-силовых средств и методов увеличения силы удара по мячу у футболистов. //Теория и практика физической культуры. - М., 2003.- №12. –С. 25-26.,Буравел О.В.Физиологические характеристики ударно-целевых действий у футболистов. Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. - Томск., 2012. С.23.

Д.Д.Зайцев ўз тадқиқотларида ёш футболчи қизларнинг техник-тактик тайёргарлиги ҳамда уларнинг биологик ривожланиш суръатларини илмий асослаб берган. М.В.Рилов томонидан футболчи қизларнинг машғулотлари жараёнида қўлланиладиган югуриш юкламалари катталигини меъёрлаш масалалари ўрганилган. Н.М.Юсупов эса малакали футболчи қизларнинг тезлик-куч тайёргарлигини такомиллаштириш услубларини тадқиқ қилган.<sup>4</sup>

Спортчиларнинг координацион қобилиятлари бўйича кўплаб олимлар тадқиқот олиб боришган. Бироқ ушбу тадқиқотларда жинсга хос ва мусобақа фаолияти хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқув-машғулотларни ташкил этиш масалалари ёритилмаган [М.Х.Фрих, В.В.Валинко, Е.Садовски, З.Витковски, В.И.Лях, И. В. Аверьянов, Г.Г.Полевой].<sup>5</sup>

Замонавий аёллар футболнинг ривожланиш босқичида футболчи қизларнинг интеграл тайёргарлиги муаммоси янада катта аҳамият касб этмоқда ва махсус нашрларда муҳокама қилинмоқда. Футбол соҳасидаги сўнги тадқиқотларда координацион қобилиятларни ривожлантириш ва такомиллаштириш футболчиларни тайёрлашнинг асосий негизи эканлиги илмий асосланган, бироқ аёллар футболдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тажрибада исботланган тавсиялар етарлича ишлаб чиқилмаган.

Эътироф этиш жоизки, мутахассисларнинг кўпчилигида футболчи қизларнинг мусобақа фаолиятини назорат қилиш масаласи юзасидан фикр-мулоҳазаларида зиддиятлар кўзга ташланмоқда ва бу жиҳат аниқ илмий асосларни яратиш ва уни тадбиқ этишда муаммо сифатида қолмоқда.

Бу аёл футболчиларнинг тайёргарлигини назорат қилиш, машғулот юкламаларини тузиш эркак футболчиларни тайёрлаш тизими асосида олиб борилаётганлигида акс этмоқда. Бугунги кунгача футболчи қизларда махсус координацион қобилиятларнинг ривожланиш даражасини баҳолаш имконини берувчи ишончли тестларни танлаш ва аниқлаш, махсус координацион қобилиятларни машқлантириш воситалари ва услубларидан фойдаланишнинг координацион қобилиятлар кўрсаткичлари даражасига ҳамда мусобақа фаолияти самарадорлигига таъсирини аниқлаш масаласи долзарблигича қолмоқда, бу эса ушбу йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

<sup>4</sup>Зайцев А.А. Подготовка спортсменов в женском мини-футболе: методическое пособие // А.А. Зайцев. М.: ВНИИФК, 2003.С.31. Рылов М.В. Беговая нагрузка в тренировочном процессе начинающих футболисток 10-12 лет. // Физическая культура. - М., 2005. С. 36-37. Юсупов Н.М "Юкори малакали футболчи қизларнинг тезлик- куч тайёргарлигининг восита ва усуллари. Услубий тавсиянома. Тошкент. ЎзДЖТИ нашриёт- матбаа бўлими 2011 йил. Б. 22-24.

<sup>5</sup>Фрих М.Х. Развитие координационных движений и пространственных ориентации юных футболистов 11-13 лет. Дисс... канд.пед. наук. С.А.1991 С.122. Валинко В.В., Лебедев В.М. Развитие координационных способностей в процессе подготовки юных футболистов. Минск, 1992. С.39. Садовски Е. Половой диморфизм и индивидуальные особенности развития координационных способностей высококвалифицированных спортсменов восточных единоборств // Теория и практика физической культуры. 1999. - № 2. - С.59-62. Витковски З. Координационные способности юных футболистов: диагностика, структура, онтогенез: дис. ... канд. пед. наук. М., 2003. 240 с. Аверьянов И. В. Методика совершенствования кинестетических координационных способностей футболистов 10–11 лет: дис. ... канд. пед. наук. Омск, 2008. 232 с. Лях В., Витковски З. Координационная тренировка в футболе. М.: Сов.спорт, 2010. 216 с. Полевой Г.Г. Развитие специфических координационных способностей футболистов 11-12 лет с учётом особенности проявления свойств нервной системы. Дисс. кан. пед.наук 2015.С.64.

Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг V-1-17 «Малакали футболчиларни тайёрлаш ва уларнинг профессионал маҳоратини оширишда янги самарали услубларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш услубиятини махсус воситаларни оптималлаштириш ва микроцикллар юкламаларини меъёрлаш орқали такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

йиллик тайёргарлик даврлари ва босқичларида ёш футболчи қизларнинг махсус координацион қобилиятларини баҳолаш учун ишончли тестларни аниқлаш ва асослаш;

тайёргарлик ва мусобақа даврларининг турлараро тайёргарлик босқичларида ёш футболчи қизларнинг мусобақа фаолиятини инobatга олган ҳолда координацион қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган машғулот воситаларининг микроцикл вазифалари бўйича оптимал меъёрлари нисбатларини аниқлаш;

махсус машқлар комплексидан устувор фойдаланиш асосида ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ривожлантиришнинг таъсир этиш даражалари бўйича турли вариантларини ишлаб чиқиш;

ёш футболчи қизлар учун танлаб йўналтирилган координацион воситаларнинг мусобақа фаолиятига таъсирини аниқлаш ва самарадорлигини тажрибада асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** «Севинч-2» ва «Олмалик-2» жамоаларининг 16-17 ёшли футболчи қизлари билан олиб бориладиган ўқув-машғулотлар жараёни ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш воситалари ва услубларидан фойдаланиш жараёни ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари:** илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, педагогик кузатув, анкета сўрови, педагогик назорат, педагогик тестлаш, эксперт баҳолаш услуби, инструментал услуб, педагогик тажриба, математик-статистика усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёш футболчи қизларнинг йиллик тайёргарлик босқичларида ритмга мослашиш, мувозанат сақлаш, фазовий мўлжал олиш, вақт оралиғида ҳаракатларни ўзгартириш ва мослаштириш қобилиятларини баҳолашнинг янги меъёрий талабларини ишлаб чиқиш ҳисобига махсус координацион қобилиятлар такомиллаштирилган;

ёш футболчи қизларнинг мусобақа фаолиятини инobatга олган ҳолда йиллик тайёргарликнинг базавий, умумий ва махсус тайёргарлик, тортувчи ва мусобақа олди микроциклларидаги (турлараро) воситаларни



тартиблаштириш ва уларнинг меъёрларини тақсимлаш асосида координацион қобилиятларни такомиллаштириш имконияти кенгайтирилган; умумий ва махсус координацион қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган машқлар комплексидан устувор фойдаланиш асосида воситаларнинг таъсир этиш даражаларига кўрааэроб, аралаш, анаэроб–гликолитик, анаэроб–алактат режимидаги координацион машғулотларни турли вариантларда қўллаш имконияти кенгайтирилган;

ёш футболчи қизларнинг амплуалари бўйича танлаб йўналтирилган воситалар асосида мусобақа фаолиятидаги координацион ҳаракатларнинг мураккаблик даражаси бўйича техник-тактик ҳаракатларни нисбий ва абсолют кўрсаткичлари ўзгариши ҳисобига ўйин вазиятларини моделлаштириш такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

йиллик тайёргарлик цикларида ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини баҳолашга қаратилган самарали тестлар аниқланган;

ёш футболчи қизларнинг махсускоординацион қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган машқлар комплекси ишлаб чиқилган;

йиллик тайёргарлик цикларида ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш услубияти ишлаб чиқилган ва самарадорлиги тажрибада исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги республикамиз ҳамда чет эл олимлари, шунингдек, хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жаҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил усуллари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида ёш футболчи қизларнинг махсус координацион қобилиятларини ривожлантиришнинг танланган воситалари ва уларни қўллаш услубларининг илмий асосланганлиги ушбу соҳадаги маълумотларни, назарий билимларни бойитиш ва кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар амалиётчи мураббийларга футболчи қизларнинг машғулотларини ташкил этишда юкламаларни меъёрлаш, ёш футболчи қизларда координацион қобилиятларнинг ривожланиш даражасини назорат қилиш учун ишончли тестлардан фойдаланиш, тайёргарликнинг турли даврлари ва босқичларидаги микроциклларни тузишда машғулот

вариантларини қўллаш, техник-тактик тайёргарлик самарадорлигини ошириш жараёнини оптималлаштиришга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш услубиятини такомиллаштиришга қаратилган тажриба тадқиқотлари асосида:

ёш футболчи қизларда махсус координацион қобилиятларнинг ривожланиш даражасини баҳолаш учун ишончли тестлар аниқланиб, йиллик циклнинг тайёргарлик ва мусобақа даврлари босқичларида қўлланилиб, таклиф ва тавсиялар «Футбол назарияси ва услубияти» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-рақамли буйруғи асосида 676-189 рақамли гувоҳнома). Натижада ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятлари 14,5-15,6% га яхшиланган;

ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган воситаларнинг тайёргарлик ва мусобақа даврларидаги турлараро цикллар бўйича ишлаб чиқилган оптимал меъёрлари нисбатларини аниқлаш асосида «Футбол назарияси ва услубияти» номли ўқув қўлланма нашр этирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-рақамли буйруғи асосида 676-189 рақамли гувоҳнома). Натижада ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган воситаларнинг тайёргарлик даврларидаги оптимал меъёрлари 5-20 % ҳажмда белгиланган;

махсус машқлар комплексидан устувор фойдаланиш асосида ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш услубияти «Севинч-2» футбол жамоасининг ўқув-машғулоти жараёнига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 28 январдаги 03-07-08-344 рақамли маълумотномаси). Натижада тайёргарлик ва мусобақа даврларида ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятлари даражаси 8-23% га ўсган;

ёш футболчи қизларнинг махсус координацион қобилиятларини ривожлантириш услубиятининг мусобақа фаолияти кўрсаткичларига таъсир этишига доир материаллар асосида «Футбол назарияси ва услубияти» номли ўқув қўлланма нашр этирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 676-рақамли буйруғи асосида 676-189 рақамли гувоҳнома). Натижада ёш футболчи қизларнинг техник-тактик ҳаракатлари самарадорлиги 12-14% га яхшиланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий-услубий иш, шу жумладан 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия

қилинган илмий нашрларида 3 та мақола, жумладан 2 та республика ва 1 та си хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 145 бетни ташкил этиб, 27 та жадвал, 3 та расм ва жорий этиш далолатномаларини ўз ичига олади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муамонинг ўрганганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **«Футбол спорт турида координацион қобилиятларни ривожлантириш ва такомиллаштириш муаммосининг ҳолати»** деб номланган биринчи бобида координацион қобилиятлар тузилмаси, спортчиларнинг координацион қобилиятлари ва техник тайёргарлиги воситалари ҳамда усуллари, мазкур сифатларнинг ривожланиш даражаси ва техник-тактик ҳаракатларни эгаллаш орасидаги ўзаро боғлиқлиги, футболда махсус жисмоний тайёргарликни педагогик назорат қилиш методлари ёритиб берилган.

Футбол бўйича махсус адабиётларни ўрганиш футболчи қизларнинг организм хусусиятларини инобатга олган умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш, жумладан координацион қобилиятлар даражасини аниқлаш бўйича мавжуд меъёрлар деярли мавжуд эмаслигини кўрсатди. Мутахасислардан В.И.Лях, З.Витковский, Ф.Зерег, М.Фрих, Э.Садовски, В.П.Губа ва бошқа олимларни фикрларини умумлаштирган ҳолда координацион қобилиятлари даражасини аниқлаш бўйича меъёрлар мавжуд бироқ футболчи қизлар контингентида амалиётга жорий қилиш муаммоли жихат бўлиб қолаётганлиги ўрганилаётган муаммо бўйича ислохотлар олиб боришга эҳтиёж борлигини белгилаб берди.

Мазкур манбалар тахлилига кўра аёллар организми хусусиятларини эътиборга олган ҳолда юқори малакали спортчи қизларнинг махсус координацион қобилиятларини баҳолаш ва ривожлантириш методларининг йўқлиги ва координацион қобилиятларининг ривожланиши ва техник-тактик ҳаракатларнинг ўзаро боғлиқлигини тажрибавий йўллар билан амалда исботламаганлиги асосий муаммо сифатида намоён бўлди.

Мазкур тахлиллардаги долзарб масалалар алоҳида ёндошув асосида диссертациянинг йўналишлари аниқлаб олишга ёрдам берди.

Диссертациянинг **«Тадқиқотнинг усуллари ва ташкил қилиниши»** деб номланган иккинчи бобида ёш футболчиларнинг координацион

қобилиятларини ривожлантиришга оид илмий-услугий адабиётлар тахлили, педогогик кузатиш, педогогик назорат, педогогик тестлаш, анкета сўрови, эксперт баҳолаш усули, инструментал усуллари, педогогик тажриба, математик статистика услублари тадқиқотнинг ташкил қилиш юзасидан маълумотлар баён этилган.

Мазкур диссертация тадқиқотлари ташкил этиш 3 та босқичда амалга оширилди:

I босқичда (2012-2017 йиллар) мавзуга оид меъёрий хужжатлар, йиллик тайёргарлик дастурлари режалари, илмий-услугий адабиётлар ҳамда статистик маълумотлар қиёсий таҳлил асосида ўрганилди. Таҳлил асосида ўрганилган илмий услубий адабиётлар ва статистик маълумотлар қиёсий таҳлил асосида ўрганилди, тадқиқот натижалари етакчи олимларни фикр мулоҳазалари асосида диссертация ишининг мақсади ва вазифалари белгиланиб, тадқиқот услублари ҳамда дастлабки тадқиқотлар ўтказилди.

II босқичда (2018 йил, январь-август) тажриба олди тадқиқотлари ўтказилди. Ёш футболчи қизларнинг йиллик тайёргарлик дастурлари, машғулотлар сони, машғулотлар ҳажми, машғулот шиддати, мазмуни ва йўналиши, мусобақалар натижаси жисмоний ва функционал тайёргарлиги ҳамда уларни шаклланиш динамикаси ўрганилиб, педагогик кузатув остига олинди.

III босқичда (2019-йил январь ойидан 2019-йилавгуст ойигача) педагогик тажриба ўтказилди. Педагогик тажрибада Қарши шаҳрининг «Севинч-2» жамоасининг 22 нафар аъзоси ва назорат гуруҳи сифатида олинган «Олмалик-2» жамоаси футболчи қизларида координацион қобилиятларни аниқловчи тестлар қабул қилинди. Йиллик тайёргарлик босқичларида тадқиқот гуруҳи футболчи қизларининг ўқув машғулотлари дастуридаги координацион қобилиятлар улуши меъёрланди ва махсус воситалари такомиллаштирилди. Бундан ташқари уларнинг мусобақа фаолияти кўрсаткичлари ўрганилди.

Диссертациянинг **«Ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларни такомиллаштиришга йўналтирилган машғулот юкламаларини режалаштириш»** деб номланган учинчи бобида ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларининг ривожлантириш борасида мутахассислар тажрибасини (анкета сўрови асосида) умумлаштириш, координацион қобилиятлар даражасини аниқлаш, амалдаги машғулот режалари тахлили ва техник-тактик ҳаракатларнинг бажарилиши бўйича маълумотлар берилган. Биз томонимиздан футболчи қизларнинг махсус координацион қобилиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича фикрларни ўрганиш мақсадида футбол бўйича мураббийлар ва мутахассислар ўртасида анкета сўровномалар ўтказилган. Сўровномада иштирок этган респондентлардан олинган жавобларни таҳлил қилиш куйидагиларни аниқлаб берди.

«Координацион қобилиятлар даражасини аниқловчи тестлардан амалда фойдаланасизми?» деган саволга 43 та респондент (86%) координацион

қобилиятларни аниқловчи тестлардан амалда ўқув машғулот жараёнида фойдаланмаслигини таъкидлашган бўлса, 7 та респондент (14%) эса тестлардан фойдаланишларини таъкидлаб «Ҳа» жавобини берганлар.

«Футболчи қизларнинг махсус координация қобилиятини такомиллаштиришга оид машқлар ўқув машғулот жараёнининг неча фоизини ташкил этиши керак деб ўйлайсиз?» деган саволга қуйидагича жавоб берди: - машқлар ўқув машғулот жараёнининг 5% фоизни - 13 та жавоб (26%);- 10% фоизни - 24 та жавоб (48%);- 15% фоизни - 8 та жавоб (16%);- 20% фоизни - 5 та жавоб (10%).

Ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсадида назорат синовлари ўтказилди. «Олмалиқ-2» жамоасининг «Ритмга мослашиш» машқларидан: «30 метрга халқалар бўйлаб югуриш» тестида ўртача 6,69 сония қайд этилди.

#### 1-жадвал

#### Педагогик тажриба бошида «Олмалиқ-2» ва «Севинч-2» жамоаларни 16 -17 ёшли футболчи қизларининг махсус координацион қобилиятлари даражасини аниқлаш натижалари (n = 22)

Координацион қобилиятлар	Тест	Польша U-17 жамоаси $\bar{X} \pm \sigma$	Олмалиқ-2		Севинч-2	
			$\bar{X} \pm \sigma$	Польша U-17 жамоаси билан фарқи	$\bar{X} \pm \sigma$	Польша U-17 жамоаси билан фарқи
Ритмга мослашиш қобилиятини баҳолаш учун:	30 м.га халқалар бўйлаб тўпсиз югуриш вақти, с.	5,32±0,10	6,69±0,47	1,37	6,72±0,55	1,40
	30 м.га халқалар бўйлаб тўпни билан югуриш вақти, с.	7,78±0,12	8,48±0,69	0,70	9,01±0,84	1,23
	Тўпни товон билан тортиб олиш вақти, с	6,75±0,19	7,76±0,62	1,01	8,34±0,71	1,59
Мувозанат сақлаш	Оёқ қафти юзасида тўпни тутиб турган ҳолда бир оёқда туриш вақти, с (асосий оёқ)	44,24±12,48	32,76±2,93	11,48	32,56±3,17	11,68
	Оёқ қафти юзасида тўпни тутиб турган ҳолда бир оёқда туриш вақти, с (асосий бўлмаган)	27,50±11,49	23,32±1,81	4,18	19,55±1,89	7,95
	Гимнастик скамейкасида бурилишлар сони, марта	5,15±0,59	4,01±0,36	1,14	3,68±0,37	1,47
Ҳаракатлар параметрларини дифференциаллаш қобилиятини баҳолаш учун	Тўп билан нишонга зарба бериш, балл	12,60±0,92	9,56±0,76	3,04	8,32±0,83	4,28
Ҳаракатланиш амалларига мослашиш ва қайта сафланиш қобилиятини баҳолаш учун	Устунларни чап томон билан оёқда тўпни олиб юрган ҳолда айланиб югуриб ўтиш вақти, с	9,12±0,15	12,05±1,13	2,93	11,86±0,98	2,74
	Устунларни ўнг оёқда тўпни олиб юрган ҳолда айланиб югуриб ўтиш вақти, с	8,55±0,12	10,52±1,00	1,97	12,21±1,05	3,66
Ўзаро мослаштириш қобилиятини баҳолаш учун	Иккита тўпни олиб юриш билан слалом, с	5,81±0,21	7,91±0,70	2,10	7,21±0,71	1,4
Реакция бериш қобилиятини баҳолаш учун	Думалаб ҳаракатланаётган тўпни тўхтатиш, см	165,0±4,15	122,8±8,68	42,2	123,9±11,86	41,1
Фазовий мўлжал олиш қобилиятини баҳолаш учун	Номерланган тўпларга югуриш вақти, с	15,67±0,36	17,67±1,56	2,00	18,54±1,81	2,87

Тажриба гуруҳида бу кўрсаткич 6,72 сонияни ташкил этди. Худди шу тестни тўп билан бажариш кўрсаткичларида назорат гуруҳида 8,48 сония қайд этилган бўлса тадқиқот гуруҳида 9,01 сонияни ташкил этди. Умумий тестларнинг мазкур қисмидаги тест натижаларидаги фарқ деярли бир хил эканлиги аниқланди (1-жадвалга қаранг). «Мувозанат сақлаш» қобилиятини аниқловчи тестлардан «Асосий оёқда турган холда бир оёқда тўпни тутиб туриш» машқида назорат гуруҳида 32,76 сония, тадқиқот гуруҳида ўртача 32,56 сония эканлиги маълум бўлди.

Ва сўнги «Фазовий мўлжал олиш» қобилиятини баҳолаш тестида назорат гуруҳи 17,67 сония, тажриба гуруҳида эса 18,54 сонияни қайд этди.

“Севинч-2” жамоасининг ўқув машғулоти жароғини тузилиши умумтайёрлов босқичида координацион қобилиятларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган воситалар қуйидаги кўринишда тадбиқ қилинди:

1) акробатик машқлар, 2) координацион платформаларда бажариладиган машқлар (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Тадқиқот гуруҳи футболчи қизларининг ўқув машғулотида тадбиқ қилинган акробатика бўйича комплекс машқлар

Акробатика машқлари	Бажариш вариантлари
Ўтирган ҳолатда умбалок ошиш.	-дастлабки ҳолатни ўзгартириш (ётган холда, куракда турган холда); -турган захоти ташланган тўпга оёқ билан зарба беришлар.
Оёқлар учида депсиниб, гавда оғирлигини қўлларга ўтказиш ва кураклар билан олдинга умбалок ошиш	-180,360° бурилишлар билан бошлаш; - турган захоти ташланган тўпга бош билан зарба беришлар (оддий, учиш ҳолатида).
Қўллар юқорида қўллар ва бош орқали орқага умбалок ошиш.	- бурилишлар билан бошлаш; - бурилишлар билан яқунлаш, зарба бериш билан яқунлаш(бошда, оёқда).
Орқага қулаш билан умбалок ошиш.	- масофасини ўзгартириш, - қулаш тўпга зарба беришлар (орқага ва ёнга).
Ён томон билан айланиш-«ғилдирак»	-икки ва уч марта айланишлар билан, -уринишлар орасида бурилишлар билан
Трамплинда олдинга сакраб 180° айланиб учиш келаётган тўпга зарба бериш.	учиш баланлигини ўзгартириб; зарбани оёқда йиқилиш ҳолатида бажариш
Юқорига сакраб, 360° га бурилиб, учиш пайтида отилган тўпни ушлаш	- сакраш баландлигини ўзгартириб.
Қўлда тўпни тутган холда трамплинда орқага сакраб тўпга зарба бериш.	-зарбани қайчи усулида йўллаш; -машқни ташлаб берилган тўп билан бажариш.

Махсус воситаларни қўллашда гимнастик машқлар, акробатика, координацион зиналардаги машқлар гуруҳида ҳаракатли ўйин машқларидан

кенг фойдаланилди ва циклик, ациклик, доира кўринишидаги машғулотлар вариантларидан ҳамда оқим, фронтал каби услубий шакллардан кенг фойдаланилди:

- тайёргарлик даврининг махсус тайёрлов босқичда махсус координацион қобилиятларни такомиллаштирувчи махсус воситалар хажми оширилди. Тажриба давомида воситаларни танлашда юкламаларнинг координацион мураккаблик жихати инобатга олинди. Бунда оддий яъни қаршиликсиз ва кам тезликда бажариладиган воситалар, ва мураккаб: мусобақа фаолиятига яқинлаштирилган воситаларни тўғри қўллаш эътиборга олинди. Тўпни олиб юриш, тўп билан слалом, нишонга зарба беришлар, сапчиган тўпни тўхтатишлар, тренажёр мосламаларида (платформаларда тўпбилан, тўпсиз) ва координацион зиналарда турли усулларда бажариладиган махсус машқлардан фойдаланилди. Машғулотларда қуйидаги методлар қўлланилди: такрорий - серияли, ораликли (танаффусли), ўйин. Ушбу босқичда координацион қобилиятларни турлари бўйича машғулотлар тўғри тақсимланишига алоҳида эътибор берилди;

-мусобақа олди босқичда ўйин вазиятларини моделлаштирувчи махсус машқлар тадбиқ қилинди. Бунда эътибор бериладиган асосий жихат махсус воситаларни ампуалар бўйича тақсимлашда намоён бўлди. Мазкур босқичда турли ампуа ўйинчиларнинг ўз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кам таркиб билан ўйин олиб бориш, дарвоза майдонининг чекланиши, футбол майдони ўлчамларининг камайтирилиши каби кўринишдаги воситалар тадбиқ қилинди. (регби тўпи орқали квадратлар 4x2, 4x1 кўринишда машқлар 4x4, 5x5, 6x6 майдонда турли шиддатда ўтказилади). Бундан ташқари майдоннинг ярим қисмида 2 та тўп билан футбол ўйини (ўйинчилар 2 ла тўпни фақт ўз шериги узатишга уринадилар, рақиблар пассив тўп олиб қўйишни бажаришади)

Ушбу босқичларда координацион қобилиятларни намоён бўлиш шаклларига кўра комплекс машқлар ишлаб чиқилди ва мавжуд воситалар такомиллаштирилди. Мазкур комплекс машқлар мажмуидан координацион мураккабликни келтириб чиқарувчи ўйин вазиятларини бартараф этишга йўналтирувчи воситаларнинг индивидуал, гуруҳли ва жамоавий кўринишлари ўрин олди (3-жадвалга қаранг). Тайёргарлик даврининг махсус тайёрлов босқичида қўлланилган воситалар мусобақа даврининг турлараро циклларида қайта такрорланди. Бунда турлар аро танаффус давомийлига қараб турли хажм ва шиддатларда тадбиқ қилинди.

Аёллар биланспорт машғулотларини олиб боришда аёллар организмнинг овариал - менструал циклини (ОМЦ) инобатга олиш лозим бўлади. Бунда машқ қилишнинг цикллари тузишда ОМЦ нинг давом этиш вақтини ва алоҳида фазаларнинг бошланиш муддатларини ҳам инобатга олиш керак. Футболчи қизларнинг ушбу циклда машқ қилишини назоратга олишда мазкур манбаларда келтирилган фикрлар асос бўлиб хизмат қилди. Машғулотлар жараёнида ушбу маълумотлар ёш футболчи қизларга

координацион қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган воситаларни тадбиқ қилишда юкламаларни меъёрлаш масаласи хал этилди.

### 3-жадвал.

#### Тажриба гуруҳи футболчи қизларининг ўқув машғулотларига тадбиқ қилинган махсус координацион қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган комплекс машқлар намунавий мажмуаси

Машқлар	Бажариш вариантлари	Координацион қобилиятлар
Тўпни ўйнатиш (жонглёр): - ўтирган холда бошда; - оёқда тиззада бошда, жойида туриб ва юрган ҳолатда; - елкада, бошда турган ҳолатда	Бир нечта тўп билан: -тўпниўйнатиш баландлигини ўзгартириб: - бажариш тезлигини ўзгартириб	Ҳаракатлар параметрларини дифференциаллаш қобилиятини баҳолаш
А ўйинчи Б ўйинчи боши узра тўпни батутга ташлайди. сўнгра иккала ўйинчи батутдан қайтган тўпга қўллари билан биринчи тегшга уринадилар	Батутдгача 3-5 метр масофа; - бир нечта тўпни ташлаш; - тўпга оёқ билан тегинишга уриниш	Реакция бериш қобилияти (ҳаракатланаётган объектга реакция)
Б ўйинчи саватчалаги тўпни химоя қилади. А ўйинчи тўпга қўли билан тегтишга уринади.	балндилликни ўзгартириб тўпни турлича жойлаштириш;	Реакция бериш (ўйин вазиятида топқирлик)
А ўйинчи тўпни ўнг ва чап оёқда Б ўйинчига узатади. Б ўйинчи тўпга тегмасдан бўрилади ва сўнг тўпни эгаллашага уринади.	- шериклар орасидаги масофани ўзгартириш; - тўп узатиш тезлигини ўзгартириш.	Реакция бериш (ўзгарувчан вазиятга мослашиш)
I дан II гача ракамли пўғулланувчилар майлончала турдишди. Мураббий томонилан тўп узатилди. Кейинчалик тўпни эгаллаган ўйинчи тартиб бўйича кейинги шерига узатади. масалан 4-тўпни 5 чига узатади)	-тўп узатишни турли усуллари ; - бошқа оёқда бажаришлар.	Фазовий ориентация олиш қобилиятини баҳолаш вчүн (ҳаракат аниқлиги)
Ҳар бир тўсик рўпарасида индивидвал алдамчи ҳаракатларни бажарган холда “ слалом”	- оёқни алмаштирган холда: - тўсиқлар орасини ўзгартирган холда;	Ҳаракатланиш амалларига мослашиш ва қайта сафланиш қобилиятини
А ва Б ўйинчи бир бирларига караб турдилар.В ўйинчи бели биланн ётган ҳолатда А ўйинчида ҳаволатиб узатилган тўпни “қайчи” усулида Б ўйинчига узатди. Бошқа томондан узатилган тўпни ҳам шу тарзда йўллайди.	-тўп узатиш тезлигини ўзгартириш: - тўп узатиш усулларини ўзгартириб.	Фазовий мўлжал олиш қобилиятини баҳолаш вчүн (ҳаракат аниқлиги)
Ўтирган холда қўллар бошда тўпни олиб юриш	-иккала оёқда бажариш	Мувозанат сақлаш
Шериклар тиззала ўтирган холда тўпни пешонада туртиб турдилар ва аста туришга интиладаилар.	- бажариш тезлигини ўзгартириб: - машкни бошлаш кўринишларини ўзгартириб (ўтириб ва ётган холда)	Мувозанат сақлаш

Ёш футболчи қизларда тайёрлов даврининг умум тайёргарлик босқичида асосан акробатик машқларда юкламалар ҳажми 25% га камайтирилди. Бунда мураккаб координацион ҳаракатерга эга воситалар бажарилмади. Махсус платформаларда бажарилган машқларда куч жисмоний сифатига таъсир этиш жихаталари инобатга олиниб юкламалар 35-40% га



камайтирилди. Зеро куч ахамиятига эга воситаларни ушбу даврда қўллаш тавсия этилмаслиги кўпгина олимлар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Агар кучни ривожлантиришга қаратилган воситалар оғирликлар билан амалга оширилаётган вақт шуғулланувчилар ушбу машқларни бажармасликлари назоратга олинди.

**Диссертациянинг «Ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш самарадорлигини тажрибада асослаш»** деб номланган тўртинчи бобда «Севинч-2» жамоасининг ўқув машғулот жараёнига махсус координацион қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган воситаларни машғулотлардаги улуши, машғулот юкламаларининг ҳажми шиддати ва йўналиши, координацион қобилиятларни такомиллаштиришда махсус ишлаб чиқилган комплекс машқлар хусусиятлари очиб берилган. Бунда «Севинч-2» жамоаси мураббийлари томонидан режалаштирилган машғулотлар микроциклларга тақсимланиб улар таркибидаги координацион қобилиятлари даражасини оширишга йўналтирилган воситалар такомиллаштирилди ва тайёргарлик даври хусусиятларини инобатга олган ҳолда тақсимланди. Дастлаб микроциклларни тузиб чиқишда умумий ва махсус координацион қобилиятлар улушини тўғри тақсимлаш, бунда юкламаларни тайёргарлик даври босқичларининг вазифаларига мос равишда белгилаш амалага оширилди(4-жадвалга қаранг).

#### 4-жадвал

### Тажриба гуруҳи футболчи қизларининг ўқув машғулотларида координацион қобилиятларни такомиллаштиришга йўналтирилган воситалар улуши(дақ, %)

Т/р	Микроцикллар	Умумий вақт (дақ)	Умумий КҚ ларга ажратилган вақт ( дақ, %)	Махсус КҚ ларга ажратилган вақт (дақ,%)	Жами КҚ ларга ажратилган вақт (дақ,%)	
Тайёрлов даври						
1	Тортувчи	1080	106 (10%)	-	106 (10%)	
2	Базавий	1	1170	126 (10%)	64 (5%)	190(15%)
		2	1260	125(10%)	62 (5%)	187 (15)
		3	1260	88(7%)	155 (12%)	243(19)
		4	1350	67(5%)	134 (10%)	201(15%)
3	Мусобақа олди	990	26(3%)	84(9%)	110(12%)	
Мусобақа даври						
4	2 тургача	2540	126 (5%)	255(10%)	381(15%)	
	3-тургача	2160	108(5%)	200(10%)	308(15%)	
	4-тургача	1620	54(5%)	150(10%)	204(15%)	

Тайёргарлик даврининг тортувчи микроциклда координацион қобилиятларга йўналтирилган махсус воситалар 106 дақиқа ҳажмида тадбиқ

қилинди. Базага оид умум тайёрлов микроциклларида жами 483 дақиқа ажаратилди. Ушбу вақтнинг 251 дақиқаси носпецифик, 128 дақиқаси специфик воситаларга қаратилди.

**«Севинч-2» жамоасининг тайёргарлик даврида координацион қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган юкламаларнинг таъсир этиш даражаларига кўра тақсимланиши (n=22)**

Юклама катталиги ва йўналиши	Тайёргарлик боскичлари									
	Умумий тайёргарлик	КҚ улуши		Маҳсус тайёргарлик	КҚ улуши		Мусобақа олди	КҚ улуши		
		УКҚ	МКҚ		УКҚ	МКҚ		УКҚ	МКҚ	
Жами ажратилган вақт (дақ,%)	483	357/74	128/26	444	155/35	289/65	110	26/24	84/76	
Юклама катталиги (%)	16	71	29	22	14	26	-	-	-	
	61	77	26	59	69	54	57	24	76	
	23	23	23	17	17	37	43	21	79	
Аэробли	104	84	13	64	27	57	47	10	37	
Аралаш	198	148	21	129	58	95	39	11	28	
Анаэроб-гликолитик	98	71	19	105	49	60	24	5	19	
Анаэроб-алактаг	83	54	-	79	21	77	-	-	-	

*Изоҳ: КҚ-Координацион Қобилиятлар*

*УКҚ-Умумий Координацион қобилиятлар*

*МКҚ-Маҳсус Координацион Қобилиятлар*

Тажриба гуруҳи футболчи қизларининг ўқув машғулот жараёнига координацион қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган воситаларнинг катталиги ва таъсир этиш йўналишига қараб жадвалларда акс эттирилди. Демак умумтайёрлов даврида жами 483 дақиқа координацион қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилди. Бунда жами юкламаларнинг 16%и катта, 61% и ўрта ва 23%и кичик юкламаларга ажратилди. Масалан мусобақа олди микроциклининг ўрганилаётган жихатлар бўйича намоён бўлиши қуйидагича: катта юкламалар қўлланилмади, ўртача катталикдаги юкламалар 57 % ва кичик юкламалар 43%. Йўналиши бўйича кўрсаткичлар тахлилида аеробли 47 дақиқа, аралаш йўналишда 39 дақиқа, анаероб–алактат йўналишда 24 дақиқа хажмда тадбиқ қилинганлиги кузатилди. Анаероб - алактат йўналишда юкламалар бу босқичда бажарилмади(5-жадвалга қаранг).

Тестларнинг тажрибадан кейинги натижалар тахлиliga кўра «Ритмга мослашиш қобилиятини баҳолаш учун» машқларидан «Тўпни товон билан тортиб олиш» машқида Стюдент тақсимотининг назарий ҳисобланган критик қиймати  $t=2,06$  га; «Фазовий мўлжал олиш қобилиятини баҳолаш учун» машқларидан «Номерланган тўпларга югуриш вақтида  $t=2,06$  га тенг бўлиб, бу ҳоллар учун ўсиш  $p < 0,05$  аҳамиятлилик даражасида статистик ишончли эканлиги аниқланди. Кўпчилик тестлар бўйича педагогик тажриба давомидаги абсолют ўсишлар (улар учун  $t=1,70$  ва  $t=1,88$  оралиғида кузатилди ва шунга кўра  $p > 0,05$ ) бу жамоада статистик ишончсиз эканлиги кузатилди (6-жадвалга қаранг).

Қолган иккитаси: «Ҳаракатланиш амалларига мослашиш ва қайта сафланиш қобилиятини баҳолаш учун» машқларидан устунларни ўнг томон билан тўпни олиб юрган ҳолда айланиб ўтиш ҳамда устунларни чап томон билан тўпни олиб юрган ҳолда айланиб югуриб ўтиш тестларда  $t=1,26$  ва мос равишда  $p > 0,1$ ; яъни статистик ишончсиз ўсганлиги аниқланди. «Севинч-2» жамоаси футболчи қизларининг педагогик тажриба охирида координацион қобилиятларини аниқлашга тестлар бўйича кўрсатган натижалари асосида «Ритмга мослашиш қобилиятини баҳолаш учун» машқларидан (30 м.га халқалар бўйлаб тўпсиз югуриш вақти) ўсиш статистик ишончсиз;  $p > 0,05$  эканлиги аниқланди. Қолган тестларнинг ҳаммаси учун педагогик тажриба давомида статистик ишончли абсолют ўсиш содир бўлган. Булардан энг юқори, яъни  $p < 0,001$  ишончлилик «Ритмга мослашиш қобилиятини баҳолаш учун» машқларидан тўпни товон билан тортиб олиш вақтида ( $t=4,05$ ); Думалаб ҳаракатланаётган тўпни тўхтатиш машқи ( $t=3,99$ ) ва Номерланган тўпларга югуриш ( $t=3,98$ ) машқларида содир бўлган. Ушбу кўрсаткичлар назорат гуруҳи футболчи қизлари қайд этган натижалардан сезиларли даражада ишончли ўзгарганлиги кўрсатди. Ушбу тестлар бўйича нисбий ўсиш кўрсаткичларига кўра «Ритмга мослашиш қобилиятлари» тестларида назорат гуруҳида 4,44 га тенг бўлган бўлса тажриба гуруҳида бу 8,49 эканлиги маълум бўлди. «Мувозанат сақлаш» тестлар гуруҳида назорат


гурухида 4,73, тажриба гурухида 7,74 га нисбий ўсиш кузатилган. Қолган тестлар гурухидаги натижалар қуйидагича кўриниш олди:

**Тадқиқот ва назорат гуруҳи футболчи қизларининг махсус координацион қобилиятларини тадқиқотдан кейинги кўрсткичлари (n=22).**

Координацион қобилиятлар	Тест	Олмалик-2			Нисбий ўсиш%	t	p	Севинч-2			Нисбий ўсиш%	t	p
		$\bar{X}$	$\sigma$	v%				$\bar{X}$	$\sigma$	v%			
Ритмга мослашиш қобилиятини баҳолаш учун:	30 м.га ҳалқалар бўйлаб тўпсиз югуриш вақти, с.	5,46	0,37	6,78	4,04	1,72	>0,05	5,4	0,48	8,89	5,5	1,94	>0,05
	30 м.га ҳалқалар бўйлаб тўпни билан югуриш вақти, с.	8,08	0,57	7,05	4,15	1,73	>0,05	7,92	0,72	9,09	7,84	2,67	<0,05
	Тўпни товон билан тортиб олиш вақти, с	7,63	0,51	6,68	5,12	2,07	<0,05	6,99	0,63	9,77	12,13	4,33	<0,001
Мувозанат сақлаш учун	Оёқ қафти юзасидатўпни тутиб турган ҳолда бир оёқда туриш вақти, с (асосий оёқ)	34,24	2,54	7,42	4,52	1,71	>0,05	46,11	4,03	8,74	7,56	2,67	<0,05
	Оёқ қафти юзасидатўпни тутиб турган ҳолда бир оёқда туриш вақти, с (асосий бўлмаган)	23,22	1,98	8,53	4,66	1,74	>0,05	39,07	3,61	9,24	7,77	2,54	<0,05
	Гимнастик скамейкасида бурилишлар сони, марта	3,99	0,31	7,77	5	1,73	>0,05	4,88	0,42	8,61	7,61	2,65	<0,05
Ҳаракатлар параметрларини дифференциялаш қобилиятини баҳолаш	Тўп билан нишонга зарба бериш, балл	10,15	0,89	8,77	4,76	1,72	>0,05	11,66	1,09	9,35	8,05	2,63	<0,05
Ҳаракатланиш амалларига мослашиш ва қайта сафланиш қобилиятини баҳолаш учун	Устунларни чап томон билан оёқда тўпни олиб юрган ҳолда айланиб югуриб ўтиш вақти, с	10,04	0,83	8,27	4,56	1,72	>0,05	9,12	0,71	7,79	6,66	2,66	<0,05
	Устунларни ўнг томон билан оёқда тўпни олиб юрган ҳолда айланиб югуриб ўтиш вақти, с	11,15	0,92	8,25	4,56	1,71	>0,05	10,76	0,9	8,36	7,15	2,66	<0,05
Ўзаро мослаштириш қобилиятини баҳолаш учун	Иккита тўпни олиб юриш билан слалом, с	7,15	0,62	8,67	5,13	1,88	>0,05	6,66	0,6	9,01	7,63	3,43	<0,01
Реакция бериш қобилиятини баҳолаш учун	Думалаб ҳаракатланаётган тўпни тўхтатиш, см	128,23	10,12	7,89	5,31	2,09	<0,05	139,9	12,87	9,20	12,87	4,15	<0,001
